

Ҳар биримизнинг соғлиғимиз ўзимизга ва, айна вақтда, бутун халқимизнинг соғлиғи ҳар биримизга, бизнинг онгу тафаккуримиз, тартиб-интизом ва сабр-бардошимизга боғлиқ эканини барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни жорий ўқув йилини сифатли яқунлаш, битирув ва кириш имтиҳонларини ташкил этиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Пандемия сабабли тизимга масофавий технологиялар жорий қилиниб, 10 мингдан зиёд таълим муассасаларидаги 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн дарс бериш йўлга қўйилди. Бу янги механизм карантин шароитида фанлар ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаб бермоқда.

Энди жорий ўқув йилини сифатли яқунлаш вазифаси турибди. Хорижий давлатлар таърибаси ва бугунги вазиятдан келиб чиқиб, олий ўқув юртлирида битирув имтиҳонларини онлайн шаклда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Йиғилишда мазкур жараёни сифатли ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Таълим муассасаларига ҳужжатлар қабулини такомиллаштириб, масофадан, онлайн шакл-

да, интернет орқали ҳужжат топшириш имкониятини яратиш зарурлиги таъкидланди. Бу борадаги янги тартиб ва афзалликлар ҳақида аҳоли батафсил хабардор қилинади.

Жорий йилда имтиҳонларни соддароқ шаклда ўтказиш бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда Президент мактаблари сони 4 тага етди, 9 та ижод мактаби ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жорий йилда яна 5 та Президент мактаби ва 2 та ижод мактабини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Уларни ўз муддатида қуриш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Карантин туфайли ижтимоий масофа тушунчаси ҳаётимиздан муҳим ўрин эгаллади. Шундан келиб чиқиб, таълим муассаса-

ларида, айниқса, мактабларда меъёрларни қайта қўриб чиқиш зарурати таъкидланди.

Пандемияни сабаб қилиб таълим тизимини такомиллаштириш бўйича ишларни кечиктиришга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Президентимиз.

Вазиятга қараб, ўқув юкмааларини ва дастурларни қайта қўриб чиқиш, олий ўқув юртлирида амалий кўникмаларни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига олий таълим муассасаларига режа ва дастурларни иш берувчилар талабидан келиб чиқиб мустақил тасдиқлаш ваколатини бериш бўйича вазифалар юклатилди. Дастурларнинг

белгиланган талабларга мослигини назорат қилиш механизми ҳам ишлаб чиқилади.

Зерикарли маърузалар ўқиш, конспектлар ёздириш каби ўзини окламаган усуллардан воз кечиб, таълим методикасини ривожлантириш ва педагоглар савиясини ошириш гоят муҳим масала экани таъкидланди.

Шу муносабат билан Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиқларига босқичма-босқич масофавий шаклда педагоглар малакасини ошириш, дарс машғулотларини масофадан кузатиш, баҳолашда инсон омилини қамайтириш бўйича ишларни амалга ошириш топширилди.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни касбга йўналтириш тизимини такомиллаштириш заруриятига алоҳида эътибор

қаратилди. Лицейнинг мактабдан катта фарқи бўлиши лозимлиги инобатга олиниб, уларнинг фаолиятини қайта қўриб чиқиш, селекция ишларини кучайтириш мақсадида таълим жараёнларини такомиллаштириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Шунингдек, янги тизим асосида ташкил этиладиган касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникумларни ишга тушириш вазифалари аниқ белгилаб берилган эди. Бу борада эски коллеж тизими хатолари такрорланмаслиги зарур. Шу боис ҳар бир вилоятда биттадан намунали касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникумни тайёрлаш вазифаси белгиланди.

Мутасаддилар соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳамда қалдаги вазифалар ижросига қаратилган режалар юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

Халқ табобати:

ТАБИАТ ВА ИНСОН УЙҒУНЛАШУВИ

Ёшларимизда нурунийлар “Табиат берган касалликларнинг давоси табиатнинг ўзида” дея уқтирдилар. Табиблар эса касалликларнинг тахминан 70 фоизига даво гиёҳларда, қолган 30 фоизи минерал тошларда, деб айтишди. Асрлар оша кадр-қимматини йўқотмай келаётган бу пурмаъно ҳикмат замирида она табиатнинг ажралмас қисми бўлган инсон йўлкадиган касалликларга даво атрофимизни ўраб турган борлиқда мужассам, деган ҳаётий ҳақиқат ётибди. Фақат уни илғаб, англаб ўз ўрнида фойдаланиш керак.

Долзарб мавзу

Бу борада узоқ тарихга эга халқ табобати энг яқин кўмакчи бўлиб келган. Бироқ ушбу соҳага етарли даражада эътибор қаратилмаслиги оқибатида юртимизда анъанавий даволаш усуллари унутилиб кетаётган эди. Ана шундай бир пайтда шу йил 10 апрелда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган айна мундоа бўлди. Л. Морган, Э. Тейлор, Р. Солески сингари ибтидоий маданият тадқиқотчилари халқ табобатининг шаклланиши Ер юзидан инсониятнинг пайдо бўлишига бориб тақалишига уруғ беради. Чиндан ҳам, даволашнинг бу усули ўта қадимий.



КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

Ўзбекистонда

2020 йил 30 апрель соат 23.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — 2039 нафар, тузалганлар 1133 нафар, вафот этганлар 9 нафар.

дунёда

2020 йил 30 апрель ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — 3 222 107 нафар, тузалганлар 992 592 нафар, вафот этганлар 228 757 нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

Жанубий корейлик эксперт:

Ўзбекистон COVID-19га қарши курашда ажойиб натижаларга эришмоқда



Сеулдаги Корё университетининг профессори, айна пайтда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида COVID-19га қарши курашиш бўйича эксперт-маслаҳатчи лавозимига фаолият юритаётган Цой Чже Ук Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга мурожаат йўллади.

Эътироф

курашда улкан натижаларга эришадиганини алоҳида қайд этди. Унинг сўзларига кўра, четдан юқумли касалликнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун чегаралар ёпилгани, беморларни ташхислашда самарали усул қўлланилаётгани, ижтимоий карантин дастурлари амалга оширилаётгани, “ўзини яккалаш” бўйича махсус жойлар ташкил этилгани ҳамда бе-

морларни даволаш учун тўртта янги шифохонанинг бунёд этилаётгани коронавирусга қарши курашишда ижобий натижаларга эришишнинг муҳим омил бўлгани.

Цой Чже Укнинг фикрича, ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам ушбу юқумли касалликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда Ўзбекистондаги каби самарали чораларни топиш қийин.

КАРАНТИНДАН БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ БЕҲАД КУВОНТИРДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 29 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида республика-мизда санитар-эпидемиологик вазият аста-секин барқарорлашиб бораётгани хисобга олиниб, карантиндан босқичма-босқич чиқиш бўйича қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди. Буни халқимиз, аввало, хавфли касаллик ортга чекинаётгани нуқтаи назаридан катта қувонч билан қутиб олди.

Қолаверса, бир ярим ойдан бери “Уйда қолинг” деган даъватга амал қилиб, карантин шароитида яшаш ҳам ўзи эмас. Давлатимиз раҳбари шунга ҳам алоҳида тўхталиб, “Оилам, бола-чақам, деб тиниб-тинчимайдиган, эртаю кеч гайрат билан меҳнат қиладиган халқимиз учун бундай мажбурий ҳолат, албатта, осон кечаётгани йўқ”, дея таъкидлади.



Сенатор мушоҳадаси

Иқтисодий интеграция Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим

Минтақавий интеграция давлатлараро муносабатларнинг кенг тарқалган ва долзарб шакли бўлиб, тараққиётнинг муайян вазифаларини ҳал қилишда бир гуруҳ мамлакатлар саъй-ҳаракатлари ва ресурсларини бириктиришни назарда тутди. Халқаро амалиётда кўп томонлама тузилмалар иқтисодий манфатларни қўзлаб ташкил этилади ва улар ҳаражатларни қамайтиришга ҳамда миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлади.

Интеграция маҳсулот экспорти учун истиқболи баланд бозорларни ўзлаштиришга, янги корхоналар ташкил этишга, миллий иқтисодиётлар барқарорлигини оширишга, халқаро кооперацияни рағбатлантиришга кўмаклашда, меҳнат бозори ва капитал эркин ҳаракатланиши учун қўшимча қафолатларни шакллантиради.

Таъкидлаш жоизки, ин-

теграциялашув амалиёти анча олдин пайдо бўлган ва ҳозир фаол тараққий этмоқда. Бугун халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасини деярли тўлалигича минтақавий интеграция бирлашмалари қамраб олган. Европа Иттифоқи (ЕИ), НАФТА, МЕРКОСУР, АТЭС каби минтақавий интеграция бирлашмалари фаолиятининг ижобий таърибаси улар фуқаролар фаровонлигини ошириш учун иқтисодий самара бераётганлигини кўрсатмоқда.



Цой Чже Ук таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги рақамларни бошқа мамлакатларники билан солиштирганда, инфекцияни юқтирганлар сони ва ўлим даражаси анча паст. Экспертнинг айтишича, даставвал олимлар Ўзбекистонда касалхоналарга ётқизиладиганлар сони 12 минг атрофида бўлишини прогноз қилишган эди. Аммо 25 апрель ҳолатига кўра, вирусни юқтирган беморлар сони 1800 нафар атрофида бўлди.

Бундай яхши кўрсаткичга самарали эпидемиологик текширишлар, “ўзини яккалаш” ва ижтимоий карантин бўйича ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар туфайли эришилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида қабул қилинган тезкор ва самарали қарорлар, шунингдек, инфекция тарқалишининг олдини олиш ҳамда назорат қилиш бўйича олиб борилган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасидир.

Жанубий корейлик мутахассис хулоса фикрида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғини ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш тизими ҳодимлари иштирокида барча имкониятни ишга солишини айтиб ўтди.

«Халқ сўзи».

ДУНЁНИГОҲИ

АҚШлик сиёсатшунослар:

Диний эркинлик соҳасида Ўзбекистон Марказий Осиё учун намунадир

Мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонаси маълумотига кўра, АҚШнинг Халқаро диний эркинлик эътиқод эркинлиги ҳолати баҳоланган навбатдаги ҳисоботида Ўзбекистонни илк бор “алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар” рўйхатида киритишни тақлиф этмагани АҚШ расмий, эксперт-таҳлил доиралари ва матбуотида илиқ қутиб олинди.

Хусусан, Глобал жалб этиш институти фахрий президенти Крис Сайпл АҚШ комиссияси Давлат департаментининг Ўзбекистонни “алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар” рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлаганини олқишлади.

К. Сайплнинг фикрича, Ўзбекистон диний соҳада сўнгги йилларда изчил ва реал тараққиёт суръатларини намойиш этмоқда. “Айниқса, Ўзбекистон жамиятида ўзаро ҳурмат ва

ишонч муҳитини яратиш, республикада камситиш ва экстремизмга йўл қўймаслик борасида халқаро экспертлар билан олиб борилаётган очиқ ва конструктив мулоқот менда катта таассурот уйғотди, — дейди эксперт. — Ўзбекистон Марказий Осиё учун намунадир. Шу билан бирга, республика бутун дунёга бошқа дин вакилларини ҳурмат қилиш ва ҳимоялаш борасида ўрнат қўрсатмоқда”.



ТАБИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Маълумки, 27 апрель куни кечқурун рўй берган табиий офат Бухоро вилоятининг бир қатор шаҳар ва туманлари, хусусан, Олот ва Қорақўлдаги маданий-маиший объектлар, тураржойлар, электр энергияси, табиий газ таъминоти, алоқа тизими, экин майдонларига жиддий зиён етказди.

Шижоат

Ана шундай мураккаб паллада Президентимиз вилоятга ташриф бўуриб, жойлардаги ахвол билан яқиндан танишиди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, ҳар иккала туманда таъмирлаш ва қайта тиклаш, обдончилик ишларига жадвал киришилди. Симёғочлар ўрнатиляпти. Алоқа тизими таъмирланмоқда. Бинолар томи шифер қилиняпти. Қурилиш ҳамда бошқа зарур материаллар келтирилмоқда.

Табиатнинг қутилмаган инжиқлиги қўплар қатори Қорақўл туманидаги Эски қалъа маҳалласи фуқароларини ҳам катта ташвишга қўйди. 3960 нафар аҳоли яшадиган маҳалладаги ўндан зиёд оилалар талафотдан зиён кўрди.

— “Биз сизнинг ёнингизга давлатимиз раҳбари номидан келдик, асло ташвиш чекманг. Хотиржам бўлинг. Сизни асло ёлғизлатиб қўймаймиз”, деган сўзлар одамлар руҳини кўтарди, уларга куч бағишлади, — дейди маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Ҳасанов. — Айна пайтда ҳар бир хонадонга аниқ, манзилли ёрдам кўрсатялмиз.

— Халқимизда “Дўст қул-фатда билинади”, деган гап бор, — дейди тумандаги Халқаро математика мактаби директори Темирқул Рўзиев. — Биласиз, масканимизга ўтган йили “Халқаро математика мактаби” мақоми берилганди.



Депутат фикри

Масъулият ҳисси билан қабул қилинган қарор

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига хизмат қилиши нуқтаи назаридан долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик ўрнатиш масаласи ҳам кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бу масала барчани бirlаштирди. Биз олдимизда турган турли саволларга биргаликда жавоб излади, ўз қарашларимизни баён қилдик, таҳлиллар олиб бордик ва бу жараён хануз давом этмоқда. Буларнинг ҳаммаси дунёга янги қиёфа билан кириб бораётган Ўзбекистон имижини янада юксалтириш борасида амалга

қаратилганлигидир. Шунинг учун ҳам бунгача ўтказилган “Ҳукумат соати”, “Парламент эшитув”ида депутатлар томонидан кўтарилган бир қатор масалалар кенг муҳокама қилиниб, Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги мамлакатимиз учун айрим тармоқларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши, иш ўринларининг қисман йўқолиши, инвестицион фаолиятнинг ҳамда иқтисодиётнинг модернизация қилиш суръатларининг пасайишига олиб келиши мумкинлиги ҳам эслатиб ўтилди.



Иқтисодий интеграция Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим



Масалан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодий бирлашиш томон ташлаган қадами ўтган асрнинг 60-йиллари охирида ўнта мамлакатнинг қудратли иқтисодий минтақавий ташкилоти — **АСЕАН** ташкил этилишига сабаб бўлди. 2015 йилда аъзо давлатлар АСЕАН Иқтисодий ҳамжамияти ташкил этилиши ҳақида эълон қилди, унинг мақсади аҳолиси сони бўйича жаҳонда учинчи бозорни ва умумий ЯИМ бўйича еттинчи иқтисодий бирлашмани ташкил этишдан иборатдир. Ҳозир АСЕАН минтақанинг йирик давлатлараро сиёсий-иқтисодий ташкилотидир. 2018 йил маълумотига кўра, аҳолиси **642,4 миллион** кишини, умумий ЯИМ **2,7 трлн. долларни**, ташқи савдо айланмаси **2,5 трлн. долларни** ташкил этди.

Жанубий Америка мамлакатлари (Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай) умумий бозорини ифодаловчи **МЕРКОСУР**нинг муваффақиятли фаолияти тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг **40 фоизини**, минтақа мамлакатлари ташқи савдо ҳажмининг 33 фоизини ҳамлаш имконини берди. Бирлашма иштирокчиларининг ЯИМ умумий ҳажми **3,3 трлн.** долларга етди. Ҳозирги вақтда бирлашма ҳажми ва иқтисодий салоҳияти бўйича ЕИДан кейин иккинчи боғхона иттифоқини ҳамда ЕИ ва НАФТАДан кейин учинчи эркин савдо зонасини ўзида ифодалайди.

“**Brexit**” билан боғлиқ ҳолатга қарамай, самарали умумий меҳнат ва капитал бозорини, саноат ва илмий

кооперацияни шакллантириш, самарали монетар сиёсатни амалга ошириш, аъзо мамлакатлар фуқароларининг манфаатларини биргаликда муҳофаза этиш, тadbиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишнинг юксак стандартларини таъқиқ этиш масалаларида **ЕИ** ютуқлари жаҳонда ҳаммага маълум.

Миллий манфаатларга асосланган очик, ўзаро фойдали ва конструктив ташқи сиёсат олиб бораётган Ўзбекистон ҳам глобал интеграция жараёнидан четда тура олмайди.

Президентимиз шу йил Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида куйидагиларни таъкидлаган эди: “**Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ишловчиларини жадал ривожлантиради. Садда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимида, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим. Мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун тармок раҳбарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт. Мана, нима учун бизга иқтисодий интеграция керак**”.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасига Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлик қилиш масалаларини пухта ўрганишни ва парламент палаталарига ҳар томонлама асослантирилган тақлифлар киритишни топширди.

Республика ҳукуматининг мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокидаги махсус ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан

ҳамкорлик жиҳатлари пухта таҳлил қилинди, прогноз ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Бунда мазкур тузилмага аъзо бўлишнинг экспорт бозорларини кенгайтириш, кооперация алоқаларини ривожлантириш, ташқи меҳнат миграцияси учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби ижобий жиҳатлари аниқланди.

Лекин шу билан бирга, парламентга тақдим этилган материаллар мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари учун жиддий хавфлар борлигини намоён қилди: улар қатор тармоқлар тайёр эмаслиги, айрим товарларнинг етарлича рақобатбардошмаслиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, ўртача истиқбол муддатда республиканинг савдо сальдоси ва тўлов баланси ҳолати ёмонлашиши, иш ўринлари йўқотилиши ш ҳавфи борлиги қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ЕОИИда қузатувчи давлат мақомида иштирок этиши ҳақида тақлиф киритди.

Ҳаммамиз гувоҳимиз, ушбу мавзу ҳозир кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборида турибди, мамлакат фуқаролари томонидан фаол ва катта қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда. Республика оммавий ахборот воситаларининг хабар беришча, жамиятда бу масала бўйича турли фикр ва нуктаи назарлар мавжуд, жумладан, Ўзбекистоннинг имкон қадар тезроқ ЕОИИга қўшилиши тарафдорлари ҳам бор, шу билан бирга, бунга кескин қарши бўлганлар ҳам талайгина.

Куни кеча Олий Мажлис қўйи палатасида кўпчилик депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё

иқтисодий иттифоқида қузатувчи давлат мақомини олиш учун овоз бердилар (132 нафар депутатдан 86 нафари буни қўллаб-қувватлади). Қонунчилик палатасидаги қизғин баҳс-мунозара ҳам сиёсий партиялар фракциялари нуктаи назарларининг бир хил эмаслигини акс эттирди.

Айнан шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг махсус ишчи гуруҳи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигининг ижобий ва салбий жиҳатлари чуқур ва пухта ўрганилмоқда. Ушбу муҳокама ақунлари бўйича юқори палата ўзининг ақуний қарорини қабул қилади.

ЕОИИ билан ҳамкорлик масаласида Ўзбекистон қуйидаги муҳим омилларини инобатга олиши зарур деб ҳисоблаймиз:

1) мамлакатимиз маҳсулотлари экспорт бозорини таъминлаш. ЕОИИга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг тўқимачилик, тери-пойабзлар, мева-сабзавот, автомобиллар ва бошқа тайёр маҳсулотни сотиладиган энг катта ва асосий ташқи бозоридир. Бугунги кунда республика йиллик экспорт ҳажмининг қарийб **40 фоизи (4 млрд. доллардан ортиқ)** ЕОИИ мамлакатларига тўғри келади.

2) транспорт коридорларидан фойдаланиш ва **Ўзбекистон ташқи савдо юклари бўйича транзитини** таъминлаш. Экспорт-импорт юкларининг тахминан **80 фоизи** ЕОИИ мамлакатлари ҳудудидан ўтади.

Бундан ташқари, мазкур интеграция мамлакатимизга Европа ва Осиё ўртасидаги энг қисқа маршрутларни боғлайдиган ЕОИИнинг транспорт-коммуникация тизимидан ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ, Хитой, Россия ҳамда Европа бозорлари ва денгиз йўлларига чиқиш имкониятларини яратди.

3) ташқи меҳнат миграцияси масалалари. Ўзбекистоннинг **2 млн.дан** ортиқ фуқаролари Россия ҳудудида, **300 минг киши** Қозоғистонда вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Энг муҳим вазифа — ЕОИИнинг ағона бозоридида ишловчи фуқароларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Фикримизча, ЕОИИнинг барча ижобий ва салбий босқичлари инобатга олиб, ҳозирги босқичда **қузатувчи давлат** мақоми Ўзбекистон учун энг мақбулдир. Бу мақом мазкур иқтисодий тузилмага аъзолик истиқболларини бевосита ақиндан ва янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Шунингдек, масалани асоссиз сиёсийлаштиришга йўл қўймайлик, шу маънода, Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо бўлиши масаласи қўриб қилганда давлатимиз саноат, инвестиция ва бошқа манфаатлари инобатга олиниши керак.

Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.

Масъулият ҳисси билан қабул қилинган қарор



Бугун барчамиз чуқур англаб турибмизки, олдимизда илм-фанни ривожлантириш, унинг асосида иқтисодий ечимларга эришиш, иқтисодиёт тармоқларида соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар турибди. Интеграция мазкур масалалар ечимида бизга янги қорловлар тақлиф қилади. Асосийси, танти ва меҳнатхаш ҳалқимиз, тadbиркорларимиз ўзи етиштирган ёки ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида савдога чиқаради. Етацик олимларимиз ва катта ҳаётга кириб келаётган авлод вакиллари ўз интеллектуал салоҳияти ҳисобига юртимизда етиштирилаётган маҳсулотларни хом ашё сифатида эмас, тайёр товар ҳолатида харидорларга тақлиф этиш имкониятига эга бўлади.

Очиғи, олдимизда танлаш имконияти бўйича қийин масала турган эди. Масъулият ҳисси эса бизни янада сергак бўлишга, ҳозир ва узоқ

истиқболда ҳам бизга манфатли бўлган йўлни танлашга қорлаб турди. Бутун дунёни қамраб олган бугунгидек тағлиқ ҳолати тенг аъзо давлат сифатида ҳамкорлик олиб боришимиз қутилимаган ва манфаатларимизга зид вазиятни туҳфа этиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Шу каби жиҳатларни ҳисобга олганда, Евроосиё иқтисодий иттифоқида Ўзбекистоннинг қузатувчи давлат сифатида намоён бўлиши ҳар томонлама мақбул қарор бўлди, деб ҳисоблайман.

Қузатувчи давлат мақомидаги фаолиятимиз давомида ЕОИИнинг бизга қўринмайди-қан “қоронғи” жиҳатларини ҳам қузатиш ва тегишли қарор қабул қилиш имкониятига эга бўламиз. Натижада интеграция жараёнининг бизга берадиган афзалликлари ва салбий оқибатлари ҳақида келажакда қўйилмаган қадам учун зарур хулосалар чиқарамиз.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

Акс садо

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар жараёнида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш тизими шаклланди. Аммо бу борада муаммолар ҳам йўқ эмасди. Масалан, соҳада рақобат йўқлиги миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиб, ҳудудлардаги иқтисодий ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини муайян даражада чеклаб қалаётганди.

Юқори малакали, ижодий фикрлайдиган ва ҳалол юридик кадрлар етишиб чиқади

Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фани тубдан тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон шу муаммоларни бартараф этиш, энг муҳими, соҳани замон талаблари асосида ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳўш, қандай янгиликлар қилиниши кўзда тутилмоқда? Аввало, Тошкент давлат юридик университети “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш юзасидан базавий олий таълим ва илмий-методик муассаса этиб белгиланганилигини айтиш зарур. Шу билан бирга, жорий йилда Самарқанд, Наманган ҳамда Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ташкил этилади ва уларга тасдиқланган квоталар бўйича, шу жумладан, табалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча квоталарга қабул қилиш ҳуқуқи берилади. Бундан ташқари, юртимизда давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимлот соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академия-

сининг Давлат ва ҳуқуқ институти ташкил этилмоқда. Фармонга биноан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, базавий юридик таълимга эга ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимокчи бўлган шахслар учун ТДЮУ магистратурасида масофавий, сиртки ва кечки таълим дас-турлари очилади ва кириш имтиҳонлари ДТМ томонидан тест шаклида ўтказилади.

Асосий янгиликлардан яна бири, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг барча фанлар бўйича юқори натижага эга битирувчилари ТДЮУга кириш тест синовларисиз, яқна тартибда сўхбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларни амалга ошириш орқали замонавий талабларга мос, юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол юридик кадрлар тайёрлашга эришилади.

Робехон МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

«Смарт» технологиялар қишлоқ хўжалигида қанчалик самара беради?

Дунё микёсидаги пандемия ва глобал инкироз шароитида қишлоқ хўжалиги соҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш учун катта имкониятларга эга. Бундан унумли фойдаланиш эса инновацион ғоялар ва тақлифларга боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, амалга оширилиши мумкин бўлган йўналишлар юзасидан Ўзбекистон Экологик партияси ҳам ўз тақлифларини илгари сурмоқда.

Инновация

Биринчидан, аҳолининг барча қатлами қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларига “ақли старттаплар”ни амалга ошириш орқали фаол ва самарали жалб қилиш. Фуқароларга иссиқхоналар ташкил этиш учун 1 гектардан ёки барча хоҳловчиларга чорвачилик фермаси ташкил қилишга қишлоқ жойларда олдиндан белгиланган майдонлардан шахсий инвестиция киритиш мажбурияти билан ҳамда 20 йил муддатга 5 гектардан ерни бепул ажратиш.

Бу борада, аввало, ушбу ерлар аҳоли зичлиги паст бўлган ҳудудлардан ажратилиш; иккинчидан, имтиёзги банк кредитларининг берилиши “ақли” агротехнологиялар жорий этиш шарти билан амалга оширилиши; учинчидан эса, давлат бошланғич босқичда компьютер технологияларини жорий қилишни қўллаб-қувватлаш лозим. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун нуқуллай иқлим ва тупроқ шароитларида “старттаплар” вакиллари орасида инновацион фикрлаш ўсишининг муҳим шартидир. Натижада “старттаплар” қишлоқ хўжалигида иш қилини рақамлаштиришда таянч нуқталарга айланиши лозим бўлган кооперативларда йиғилади.

Ушбу “старттаплар” фуқаролар томонидан киритилган кредит маблағлари тўлиқ қайтарилгунча қадар давр мобайнида қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ажратмаларидан ташқари барча турдаги солиқлардан тўлиқ озод қилиниши тақлиф этилади. Бир гектар ер майдонига бепул эга бўладиган ҳар бир шахс қишлоқ хўжалигининг “смарт” тақомиллари бўйича ўқув курсидан ўттиши керак. Бу вазифаларни амалга оширишга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги масъул этиб белгиланиши лозим.

Мазкур “старттаплар” ўз ер майдонлари билан боғлиқ барча масалани ўзи ҳал қила оладиган нормалар махсус қонунсоти ҳужжатларида белгиланиши ва акс эттирилиши керак. Суд қарорларидан ташқари ҳар қандай давлат органларининг аралашувига йўл қўйилмайди. Ушбу “старттаплар” мазмун-моҳияти ички инвестициялар оқимини фақатгина оддий иссиқхоналарни эмас, балки катта ҳажмдаги тўлақонли мажмуаларни қуришни рағбатлантиришдан иборат бўлиши лозим.

Иккинчидан, “ақли иссиқхона”лар экинларни парвариш қилиш учун зарур

бўлган ўғитлар, қимёвий моддалар, сувни нисбатан самарали сарф қилиш, шунингдек, ҳодимлар сонини оптималлаштириш ва инсон омилли туфайли юзага келадиган йўқотишларни қамайтириш имконини беради. “Ақли иссиқхона”лар сўғориш ва микроклиматни тартибга солишининг барча жараёнини бошқаришга имкон яратди. Бундан ташқари, ақунда етиштирилаётган маҳсулот сифатини оширадиган ва таннархини қисқартирадиган, унумдорлик 20 — 40 фоиз ўсишига имкон берувчи ҳосилдорлик жараёнлари ва барча тизим иш сифати мониторингини амалга ошириш мумкин бўлади.

Учинчидан, “ақли ферма”лар чорва моллари маҳсулдорлигини ва маҳсулот сифатини яхшилайдди, шунингдек, ҳарajatларни қамайтиради. Боқиш, соғиш ва ҳайвонларнинг соғлигини назорат қилиш учун автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш сут соғиб олиш ҳажминин 30 — 40 фоиз ошириш ва мавжуд озука базасидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бундан ташқари, индивидуал ветеринар ҳисоби, чорва молларининг ағона маълумотлар базаси ва уларнинг эгалари ҳисобини юритиш имконини берувчи ветеринар хизматларининг самарадорлигини ошириш учун технологик ечимлар жорий қилиш тақлиф этилади. Масалан, махсус “чип” асосида чорва молининг “электрон паспорт”и яратилади ва жараёнда олинган манбалар асосида маълумотлар базаси янгилаб турилади, бу эса доимий ва ишончли ветеринария назоратини таъминлайди.

Тўртинчидан, “смарт” деҳқончилик экин майдонидидаги ўсимликларга ортиқча ишлов бериш ҳамда қимёвий моддалардан дифференцияланган ҳолда фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини GPS-навигация ёрдамида параллел бошқаришни ўз ичига олади. Сунъий йўлдош навигация тизимлари (масалан, GPS) ва датчиклар ёрдамида қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш ёқилги сарфини қамайтиришга, шунингдек, йўналишларни ва хизмат кўрсатувчи ҳодимларнинг иш юқини оптималлаштиришга имкон беради.

Бешинчидан, “ақли қишлоқ хўжалиги”ни жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини максимал даражада автоматлаштириш ушбу ишларини республика даражасида амалга оширишни талаб этади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Экологик партияси қошида бир вақтининг ўзида уларни ишлаб чиқаришда ўзлаштириб ва маҳсулот етиштириш бўйича илмий

тадқиқотлар олиб бориш учун таркиби илмий-тадқиқот, лойиҳавий-конструкторлик, технологик ташкилотлар, тажриба ишлаб чиқариш қорхоналардан иборат “Экологик инновацион технологиялар” нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этишни қўриб қилиш қиритилмоқда.

Бу эса турли “ақли қурилма”лар орқали бошқарув ва мониторинг жараёнларини автоматлаштириш ҳамда уларда инсон иштирокини сезиларли даражада қамайтириш имконини беради. Қишлоқ хўжалигида бундай технологияларни қўллаш соҳалари аниқ деҳқончилик, “ақли ферма”лар, “ақли иссиқхона”лар, хом ашёни бошқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қишлоқ хўжалиги транспортини бошқариш, “катта маълумотлар” ва бошқалардан иборат.

Шу билан бирга, операциядан ҳаражатлар оптималлаштирилиб, уруғлар, агроқимёвий воситалар, ўғитлар ва ишлатилган сув ҳажмининг пасайиши ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 15 — 20 фоиз оширилади.

Олтинчидан, мева ва сабзавотлар учун “ақли омбор”лар реал вақт режимида (белгиланган ҳарорат, намлик даражаси, қарбонат ангидрид микдори) махсус белгиланган алгоритмлардан фойдаланган ҳолда сақлаш пайтида маҳсулотнинг ҳолатини қузатишга имкон яратди, бу эса тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради. Агар шартлар бузилган бўлса, тизим вазиятни тузатади ва ўзгариш ҳақида омбор эгасига хабар қўжнатади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаб чиқилган технологик ечимлар, бу жараёнларнинг автоматлаштирилиши ҳодимлар учун ҳаражатларни қамайтиради ва йиғиб олинган ҳосилни сақлаш шароитларини яхшилайдди.

Еттинчидан, “старттаплар” “ашил технология”лар сифатида зарарқунандаларни биологик назорат қилиш, тирик организмларда зарарқунандалар қўлайишига тўсқин қўйишда фойдаланишни рағбатлантиради.

Саққизинчидан, қиймат “занжири”ни ривожлантириш қишлоқ хўжалигида рақобатдорлиқни таъминлашнинг муҳим омилдир. “Смарт” технологиялар доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг харид этувчи ва савдо қилувчи ташкилотлар билан тезкор алоқаси учун электрон савдо майдони яратиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотларни экин майдонидан савдо растларига етказиш вақтини қисқартириш ва оралиқ сақлаш билан боғлиқ йўқотишларни қамайтиради.

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари, Абдурахим ҚҮРБОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси.

ЕОИИ билан фаол ҳамкорлик манфаатларимизга мос келади

Нуктаи назар

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик муносабатларига интеграцияси ни қучайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича вазифалар белгиланган бўлиб, бунга экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш ва ички бозорда рақобатбардош муҳитини шакллантириш орқали эришиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, мамлакатни 2020 йилда ривожлантириш бўйича устувор вазифалардан келиб чиқиб, ушбу масалаларнинг парламент палаталарида кенг муҳокама қилинишини ташкил этиш, бунда тўлиқ масъулият билан ўзининг асосланган позициясини ифода этиш вазифаси қўйилган эди.

Юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтириш стратегик вазифа қилиб белгиланган. Бунинг учун салоҳиятли ва барқарор истеъмол бозори зарур бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан интеграциялашув муҳим вазифа ҳисобланади. Қолаверса, ЕОИИга киришимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ЕОИИ давлатларига божхона тўловларисиз экспорт қилиш имкониятини берадики, бу катта микдорда қўшимча фойда қўришимизга шароит яратди.

Юртимизнинг ЕОИИга аъзо бўлиши Ўзбекистон маҳсулотларининг ушбу иттифоқ мамлакатлари бозорларига чиқиши учун тўқсиларни ва экспортчиларнинг бу билан боғлиқ ҳаражатларини қамайтиради.

Қолаверса, мазкур ташкилотнинг бошқа давлатлар билан эркин савдо зоналарининг ташкил этилиши Ўзбекистон экспортининг учинчи давлатлар бозорларига киришини енгиллаштиради. Бунда ЕОИИнинг Сингапур, Эрон, Вьетнам, Сербия билан эркин савдо ва Хитой Халқ Республикаси билан эса савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатганини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Юқорида етказиб бериш логистикаси яхшилангани ҳамда чегараларда ортиқча талаб ва тўсиқлар бартараф этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари қисқаради. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг мева-сабзавот ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташқи савдоси ўсишига хизмат қилади.

Чорвачилик соҳасида эса ҳозирча қўш маҳсулотларни импорт қилишимизга тўғри келяпти. Бу масалани ҳам ЕОИИ ҳисобига ҳал этишимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ҳам ЕОИИга киришининг айрим салбий жиҳатлари бор. Масалан, бу жараён минерал ўғит ишлаб чиқарувчиларга, ўсимликларни ҳимоя қилувчи қимёвий воситаларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларга

молиявий зарар етказиши эҳтимоли бор.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экинларини сўғориш учун олинладиган трансгенаргайи сувларнинг учдан бир қисми Қирғизистондан келади. Бу борада мавжуд жиддий келишмовчиликларни ҳам ЕОИИ доирасида нисбатан осонроқ ҳал этиш имконияти пайдо бўлади.

Депутатлар жойларда сайловчилар билан шу масалани муҳокамалардан ўтказишди. Уларни умумлаштириш шуни кўрсатадики, тadbиркорлар ва фермерлар Ўзбекистоннинг ЕОИИда иштироки афзалликларга эга, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, афзалликлар мавжуд хатарлардан ус-туроқдир. Хусусан, ЕОИИга аъзо бўлган тақдирда Ўзбекистон маҳсулотларини сотиш учун янги бозорларга эга бўлади, инвестиция оқими ошади, иттифоққа аъзо давлатлар ишлаб чиқарувчилари ўртасида кооперация ривожланади.

Фермерларнинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалиги учун афзалликлар импорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги техникаси, технологиялар, уруғлар, ўғитлар, қимёвий ҳимоя воситалари, чорвачилик учун дорилар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур бўлган бошқа воситалар нархининг пасайиши натижа-сида маҳаллий маҳсулотлар таннархининг тушишида ўз аксини топади ва даромад ошади.

Худудларда мамлакат қишлоқ хўжалиги Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо бўлишидан фойда қўришига ишоноди, чунки ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши қулайди.

Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари билан бўлган барча учрашувлар давомида иқтисодий мақсадда мувофиқлик нуктаи назаридан ЕОИИга қатнашиш деҳқонларимиз учун фойдали эканлиги таъкидланди.

Қи

АҚШлик сиёсатшунослар:
Диний эркинлик соҳасида
Ўзбекистон Марказий
Осиё учун намунадир



“The Diplomat” газетасининг бошқарувчи муҳаррири Кэтрин Путц қайд этганидек, сўнгги ўн беш йил мобайнида илк маротаба АҚШнинг Халқаро диний эркинликлар бўйича комиссияси Давлат департаментига 1998 йили қабул қилинган Халқаро диний эркинлик тўғрисидаги қонунга биноан, Ўзбекистонга “алоҳида хавотир уйғотадиган давлат” сифатида қарамаслиқни тавсия қилади.

Журналистнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда эришилган муваффақиятларни АҚШ Давлат департаменти икки

йил олдин эътироф этган бўлса, энди янги вазиятни “USCIRF” ҳам тан олаётир. Мазкур ҳодиса Ўзбекистон учун муҳим қадам бўлиб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида эришилган ютуқларнинг эътирофидир.

К. Путцнинг таҳминига кўра, бундан кейинги қадам Ўзбекистоннинг комиссияси эътиборидан буткул чиқарилиши бўлади. Бунинг учун, нафақат диний сабаблар туфайли озодликдан маҳрум қилинганлар тақдири, балки дунёвий давлат ва аҳолининг диндур қатламлари ўртасидаги мулоқот борасида ҳам кенг муҳокамалар керак бўлади.

«Халқ сўзи».

ТАБИИЙ ОФАТ
ОҚИБАТЛАРИ
БАРТАРАФ
ЭТИЛМОҚДА



Бу ерда мамлакатимиз вилоятларидан иқтидорли ёшлар таълим олиши оdatий ҳолга айланган. Бунни қарангки, табиий офат юз берган паллада туманимиз аҳолисига барча ёрдам қўлини чўзди.

Дарҳақиқат, аини кунларда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан юборилган 10 тонна картошка, 10 тонна пиёз, 8 тонна сабзи Қорақўлга етиб келди. Самарқанддан Олот ва Қорақўл туманлари аҳолиси учун 2 минг дона шифер, шунингдек, 10 тонна картошка, 4 тонна пиёз, 4 тонна сабзи, 2 тонна ўсимлик ёғи қабул қилиб олинди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

— Туманимиз кейинги икки

йилда юртимизнинг энг сўлим гўшаларидан бирига айланди, — дейди ўз сўзини давом эттираркан Темирқул Рўзиев. — Афсуски, қутилмаган табиий офат қўллаб биналар, инфратузилма объектларига зиён етказди. Лекин ҳозир қўл қовуштириб турган бирор кишини учратмайсиз. Ҳукумати-миз, вилоят ва туман ҳоким-ликлари мутасаддиларидан иборат штаб бошчилигида талафот оқибатлари бартараф қилиняпти. Туман маркази, қишлоқларимиз элимизнинг ҳамжihatлиги, шижоати, мар-дона меҳнати билан аввалгидан кўра обод ва сўлим гўша-ларга айланишига ишончимиз комил.

Истам ИБРОХИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ишонч

Жуда кўп синовларни бошдан кечирган халқмиз. Узоққа бормайлик, 1976 ва 1984 йилларда Гзлида рўй берган икки дахшатли зилзилани кекса авлод вакиллари яхши эслашади. Зилзила оқибати жуда аянчли, талафотларни кўп эди. Аммо халқимизнинг ҳамжihatлиги, аҳиллиги, қатъияти ва матонати эвазига қийинчиликлар енгиб ўтилганди.

Халқимиз
бу синовни ҳам
енгиб ўтади

Афсуски, жорий йил 27 апрель тунида вилоятимиз-да содир бўлган табиий офат оқибатида Қорақўл ва Олот туманлари катта зарар кўрди. Бундан Ромитан тумани аҳолиси ҳам азият чекди. Ана шундай оғир дамда муқтарам Президентимизнинг вилоятимизга келишлари талафот кўрганлар, жабрланганлар кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Олот туманида фаоллар, аҳоли вакиллари билан учрашув чоғида айтилган сўзлар Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси юрагидан жой олди, муҳими, одамлар табиий офат олдига ёлғиз эмасликларини ҳис этишди. Уларнинг бу синовни ҳам енгиб ўтишга бўлган ишончларни мустаҳкамланди. Зеро, таъкидланганидек, зарар кўрган бирор хонадон, фукаро, тадбиркор ва фермер эътибордан четда қолмайд.

Президентимиз
“Ромитан ўз вақтида

гуллаб-яшнаган макон эди. Кейинчалик бир оз сузла-шиш сезилди. Мана, кейинги уч йил мобайнида Ромитан-ни бутунлай қайта қуришга муваффақ бўлдик. Худо хоҳласа, ҳаммамиз биргаликда Қорақўл ва Олотни ҳам замон талаб-ларига мос равиш-да қайта кураемиз. Мен бунга ишонаман”, дедилар. Бу сўзлар бир ижодкор сифатида менинг ҳам қалбимга чексиз ҳаяжон солди. Ахир юртинг обод-лигига нима етсин!

Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнашига ишонамиз.

Жўра ФОЗИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи,
«Дўстлик» ордени соҳиби.

Юксалишнинг энг қисқа йўли

Бугунги глобаллашув, айниқса, бозор иқтисодиёти таомиллари ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга ахборотлаштириш соҳаси ютуқларини татбиқ этиш жараёнини тезлаштириб юборди. Натижада “электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”, “очик таълим” нафақат истеъмолда энг кўп ишлатиладиган атамалар, балки амалиётдаги кенг қўлланиладиган тизимга айланди. Рақамли иқтисодиёт юртимизда жамият ва инсон фаолиятини ахборотлаштириш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Бугуннинг гапи

Давлатимиз раҳбарининг ташаббу-си билан юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилгани ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириши, шубҳасиз.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Албатта, рақамли иқтисодиёт-ни шакллантириш керакли инфрату-зилма, кўп маблаг ва меҳнат ресурс-ларини талаб этишини жуда яхши би-ламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлма-син, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз? Эртага жуда кеч бўла-ди. Шу боис рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш — келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаро-ри ушбу йўлда ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Хўш, рақамли иқтисодиёт ўзи нима? Унинг қандай афзалликлари бор? У макротиқсодий барқарорлик, аҳоли турмуш фаровонлигини таъмин-лашда қандай роль ўйнайди? Шу каби саволлар ҳаётларимизни қизиқти-раётгани аниқ.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, “рақамли иқтисодиёт” атамаси 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонт томонидан амалиётга киритилган. Бугунги кунга келиб эса бутун дунёда кенг қўлла-нилади. Зеро, рақамли иқтисодиёт кўп қиррали фаолият бўлиб, унда илм-маърифат рақамли ахборот ишлаб

чиқаришнинг асосий омили сифати-да қўлланилади. Зарурий фаолият майдони замонавий ахборот тармоғи, асосий қуроли ахборот-коммуникация технологиялари бўлгани туфайли у иқтисодиёт таркибини оптималлашти-риш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрс-атишда меҳнат унумдорлигини оши-риш имконини беради. Пировардидга аҳолига қўшимча қўлайликлар ярати-б, турмуш даражасини сезиларли юк-салтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бу иқтисодиётда асосий ресурс бўлиб капитал, меҳнат, ер ва бошқа анъанавий ресурслар эмас, балки илм-фан, маърифат билан су-ғорилган, илмий ҳажмдор ахборот оқимлари ва уларнинг инновациялар-да кўриниши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, иқти-содий ўсишда номоддий ресурслар (ахборот, илм ва ихтиролар, инновациялар) устуворликка эга бўла-ди. Моддий но-эъяматлар ишлаб чиқаришдан кўра, илмий сиғимдор бўлган тавар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ортади.

Албатта, аҳолининг моддий ресурсларга бўлган талабини қонди-риш масаласи ҳам долзарблигини йўқотмайди. Бу эҳтиёжларни таъмин-лаш учун кетадиган ишлаб чиқариш харажатлари рақамли технологиялар ва АҚТни қўллаш ҳисобига пасаяди. Энг муҳими, миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ўзгариб, хом ашё ва қайта ишланмаган маҳсулотлар экспорти камаяди, жажон бозорига чиқиш имкониятларимиз ортади. Чун-ки рақамли технологияга асосланган иқтисодиёт тўртта омил — ахборот-коммуникация технологияларини ри-



вожлантириш, инновацияларни тарақ-қий эттириш, ишчи қўчини сифатли ўзгартиш, иқтисодий юксалиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга таъ-нади. Натижада ахборот алоҳида ка-питалга, рақамли ахборот эса қим-матли ижтимоий товарга айланади.

Таъкидлаш керакки, рақамли иқти-содиётни шакллантириш Ўзбекистон-нинг жажон иқтисодиётининг замона-вий қорловларига муносиб жавоб қай-тариши, интеграциялашувнинг янада чўқурлашуви, демокдир. Бу вазифани ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракат-лар табиий ресурслар захирасига ба-ғлиқлидан халос этиш, юз бериш эҳтимоли бўлган жажон молиявий ин-қироzi таъсиридан талафотларсиз ўтиш учун мустаҳкам пойдевор яратиш.

Рақамли иқтисодиётнинг афзалли-ги ҳақида гап кетганда, давлатимиз раҳбарининг “Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар си-фатини оширади, ортиқча харажат-ларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга солади-ган ва безовта қиладиган энг оғир

иллат — коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воси-тадир. Бунни барчамиз теран англаб олишимиз даркор”, дея қуйиниб айт-ган гапларини келтириш ўринлидир.

Чиндан ҳам, рақамли иқтисодиёт коррупция ва “яширин иқтисодиёт”га ишончли ғов бўла олади. Сабаби ра-қамлар ҳамма нарсани муҳрлаб, хо-тирада сақлайди-да, керак пайтда маълумотларни тезда тақдим этади. Бундай шароитда фактлардан қочиш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бер-маслиқнинг илоҳи йўқ. Натижада маб-лағилардан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш, ошириб ё яшириб кўрсатишнинг имкони қолмайди. Қисқача айтганда, иқтисодиёт шаффофлиги таъминланади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш учун ҳаммасини “ноль”дан бошлаш керак эмас. Бугун кўпчилик учун нотаниш-дек туюлаётган бу янглик аллақачон ҳаётимизга кириб келган. Унинг қўлайликларидан фойдаланяммиз ҳам. Ойлик маошимизнинг пластик картча-каларга тушаётгани, коммунал хизмат-лар, телефон, интернет ва бошқа маҳ-сулот ҳамда хизматларга тўловларни электрон усулда амалга ошираётга-нимиз, товар ва хизматларга уй ёки офисдан чикмасдан туриб бюуртма қилаётганимиз — буларнинг барчаси рақамли иқтисодиёт меvasидир.

Сир эмас, глобаллашув шароити-да ахборотнинг қадри ва қиммати

Дил сўзи

КАРАНТИНДАН БОСҚИЧМА-
БОСҚИЧ ЧИҚИШ БЎЙИЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
БЕҲАД ҚУВОНТИРДИ



Эндиликда навбати билан енгилликлар яратиб бериш кўзда тутилгани, албатта, юртдошларимизни хурсанд қилди. Бунни улардан айримларини қуйидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

Санитария талабларига
амал қилишни асло унутиб
қўймаслигимиз керак

Ҳақиқатан ҳам, мамлакати-мизда коронавирус касалли-ги жойлаванатганини эши-тиб, ушбу инфекцияни юкти-риб олган юртдошларимиз соғайиб бораётганини ҳар кун и оммавий ахборот воси-талари орқали кўриб, жуда-ям қувониб ўтирибмиз.

Хозир табиятнинг энг гўзал тин талаблари босқичма-босқич юмшатилаятганини жуда яхши иш бўлди, айниқса, фарзандлари-миз учун. Чунки бола барибир бола-да. Сабири чидамайди, кўнча чиқаман дейди. Лекин эпидемиологик вазият бунга йўл қўймади. Мана, шурки, энди вазият секин-аста ижобий томонга ўзгарапти.

Президентимиз бу каби ҳолатларнинг барчасини ту-шуниб, юракдан ҳис қилиб турганликларини кеча телеви-зор орқали фикрларини эши-тиб, яна бир бор амин бўлдик. Аҳоли учун бир қатор имко-

ниятлар яратиб берилди. Яъни эндилиқда шахар ва ту-манлардаги кўп қаватли уй-ларнинг ички ҳовли ва худуд-ларида ота-оналар ҳамроҳли-гида болаларини сайр қил-диришга рухсат берилди. Биласизми, шунинг ўзини гўё бир байрамдек қутиб олдик.

Хозир табиятнинг энг гўзал палласи. Дархатлар ям-яшил, ҳаво мусаффо. Бундай пайт-да сайр қилиш қайфиятни кўтарди, саломатлик учун ҳам фойда. Албатта, барибир белгиланган талабларга қатъий риоя этишни унутмас-лигимиз керак. Одамлар бил-лан масофани сақлашимиз, юзга никоб тақиб олишимиз лозим. Бу, аввало, ўзимиз, фарзандларимиз, оиламиз саломатлиги учун муҳим.

Феруза БКНАЗАРОВА,
уй бекаси,
Тошкент шохри

Ишимизни қадрдон лаборатория
ва кафедраларимизда
давом эттирамиз

Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йи-гилишида белгилаб берилган қарантиндан босқичма-босқич чиқиш бўйича чора-тадбир-ларни халқимиз бир ярим ой-дан бери интиқ кутаётганини, десак, муболаға эмас.

Таъкидлаш жоизки, юрти-мизда коронавирус билан ка-салланиш бўйича биринчи ҳолат қайд этилиши ҳамонқ унинг кенг тарқалиб кетиши-ни бартараф қилишга қара-тилган ишлар тизимли амал-га оширила бошланди. Бу бо-радаги чора-тадбирларнинг натижасини бутун барчамиз қўриб турибмиз. Республика-мизда секин-аста вазият бар-қарорлашиб бормоқда. Мам-лакатимиздаги санитария-эпидемиология ҳолатининг ижобий динамикаси, об-ҳаво шароити инобатга олиниб, ка-рантиннинг юмшатилганидан мамнун бўлдик.

Айниқса, олимларга, ил-мий-тадқиқот институтлари ходимларига, профессор-

ўқитувчиларга санитария-ги-гиена нормаларини таъминла-ган ҳолда ўз лаборатория ва кафедраларида қўндалик иш-ларини давом эттиришлари-га ижозат берилгани кўнгли-мизни кўтарди. Бу давлати-миз раҳбарининг илм-фан, таълим соҳаси қандай мурак-аб шароит бўлмасин доимо эътибордан эканини намён қилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тараққиётининг таянчи бўлга-ни боис мазкур соҳалар ри-вожони бир зум ҳам тўхтаиб бўлмайди. Шу вақтга қадар ишларимизни онлайн равиш-да олиб борган бўлсак, энди қадрдон лаборатория ва ка-федраларимизда давом этти-рамиз. Янада шижоат, ғайрат билан меҳнат қиламиз.

Нёъмат ЖАББОРОВ,
ЎзРФА Абу Райхон
Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
илмий қотиби.

«Халқ сўзи».

ИМКОНИАТ

Ёшлар учун
ҳўжағат
етиштирувчилар
кооперацияси

Шу йил февраль ойида Фарғона туманидаги “Қораянтоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 73 гектар ерда анорчиликка ихтисослаштирилган “Фарғона тумани ёшлар анорчилик кооперацияси” ташкил этилиб, 84 нафар йигит-қизнинг ҳар бирига 50 сотих ва 1 гектардан майдон ажратиб берилган эди.

— Ана шундай хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида туманининг “Ямбароқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги фойдаланилмаётган 10 гектар ерда малиначиликка ихтисослаштирилган “Фарғона тумани ёшлар малина (ҳўжағат)чилик кооперацияси” ташкил этилди, — дейди Фарғона тумани ҳокими Илҳом Носиров. — Ҳар бир ёшга 5 — 10 сотихдан майдон ажратилиб, 50 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Албатта, бу савий-ҳаракатлар қарантин талабларига тўла рояз этилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Глобал инқироз хавфини камайтириш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қанолатли таъминлаш ҳамда ушбу шароитда экспорт ҳажмини ошириш мақсадида Фарғона вилоятида бог ва ток қатор ораларига, оброётдан чиққан ва галладан қисқарган майдонларга қўшимча жами 14 минг гектар ерда сабзавот, поллиз ҳамда 4 минг гектар майдонда бошқа экинлар эчки, 406 гектар жойда янги иссиқхоналар барпо этиш режалаштирилган.

Элёржон ЭҲСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон — миллий тотувлик бўстони

Қарийб етмиш миллион инсонлар умрига зомин бўлган Иккинчи жаҳон уруши якунланганига ақинда 75 йил тўлади. Уни бошлаган кимсалар ўзларини дунёдаги энг тождор миллат, ўзга халқлар тақдирини ҳал этмоққа ҳақли энг сара ирқ, дея эълон қилган эдилар.

Мушоҳада



Фашистларнинг бири-биридан оғир жиноятларидан даҳшатга тушган инсоният 1948 йилнинг 10 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) қўрсатмаси асосида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди. Мана шу халқро ҳужжат эълон қилинганига 70 йил тўлиши муносабати билан 2018 йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги ақуларни: замонавий таҳдидлар ва реал воқеали” мавзусида ўтказилган форум иштирокчиларига йўллаган табригида “Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, жами 4,5 миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Осиё минтақасининг келажаги кўп жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2030 йилга қадар барқарор тараққиёт соҳасида белгиланган вазифаларни амалга оши-

ришга тайёр бўлишга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали минтақавий механизмни шакллантиришга боғлиқ”, дея таъкидлаган эди.

Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти бу борада ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатни ўз вақтида амалга ошириш, мамлакат ва унинг фуқаролари ҳаётини халқро ҳуқуқ талабларига мослаш юзасидан ғоят муҳим чора-тадбирларни кўрмоқда-ки, уларнинг натижаларини энг нуфузли ташкилотлар ва экспертлар ҳам бирдек эътироф этмоқдалар.

Бироқ ҳамма давлатлар ҳам Юртбошимиз табригида алоҳида эслатилган, барқарор тараққиёт соҳасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга тайёрми? Агар шундай бўлса, яна Ўзбекистон раҳбари ургўлаганидек, “жаҳонда, жумладан, Жануби-Шарқий Осиёдан тортиб Яқин Шарққа бўлган қандайдир қуроли тўқнашувлар маконийб, ўзаро ишонсизлик ва низо-лар, миллатлар ва конфессиялараро ихтилофлар чуқурлашиб

бораётгани, барқарор тараққиётга қарши бошқа глобал таҳдид ва хатарлар” пайдо бўлаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Шу маънода, Ер юзининг сайқали бўлмиш қадим шахримизда ўтган навбатдаги халқро йиғинининг, унинг якунида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларациясининг мақсади ва аҳамиятини чуқур идрок этишимиз лозим. Ўзбекистон раҳбари халқро ҳамжамият вакилларига йўллаган мурожаатида қўйинчаклик билан таъкидлаганидек:

“Илоҳсиз ҳолда ўз юртини ташлаб кетаётган кишилар ва қочкилар сони тобора ортиб бораётгани, таълим ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти йўқлиги, одам савдоси ва мажбурий меҳнат, аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, қашшоқлик ва очликка барҳам

бериш зарурати билан боғлиқ муаммолар мураккаблашиб бораётганига биз четдан томошабин бўлиб қараб туrolмаймиз”.

Буюк Ипак йўли қорраҳасида жойлашган, не-не қарвонларни кутиб-қузатган қадим юртимизда азалдан турли миллат ва элатлар бир-бировига елкадош яшаб келган. Бу собит аҳиликка эса адолатли сиёсат, оқилона тарбия билан эришилган. Улуғларимиз одам зотини ўзаро меҳрга, оқибат ва биродарликка даъват қилганлар, тақомилни, улугворликни қуруқ миллий дахлдорликдан эмас, балки инсоний қомилликдан излаганлар. Ҳазрат Навоий лутф этганларидек:

*Ишқи қомил элни ё Фарҳод,
ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшук ёҳуд арманий,
ёҳуд араб.*

Аждодларимиз этиқодида садоқат, халқимиздаги одамгарчилик, олиб борилаётган оқилона миллий сиёсат биз билан яшаётган барча халқларнинг ўзаро тотувлигини таъминламоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасида миллий сиёсат қуйидаги қатъий тамойилларга асосланади:

- миллатлар ва этник гуруҳларнинг ўзаро муносабатида дўстлик, аҳилик, ўзаро ҳурмат муҳитини ихтимоий-сиёсий барқарорлик омилли сифатида ривожлантириш;
- ички ва ташқи сиёсатда барча миллий, этник гуруҳлар манфаатларининг акс этиши;
- миллий ўзлиқни англаш, миллий гурур туйғусини ривожлантириш;
- сиёсатда миллий хусусиятларни инкор этишга йўл қўймаслик;
- миллатчиликнинг, унинг сиёсий тусга қиришининг олдини олиш;
- миллий тотувликни фуқаролик жамиятининг асосий шартли сифатида ривожлантириш;
- давлатнинг этник сиёсатида бирор-бир миллатнинг эмас, балки шахс ҳуқуқларининг устуворлиги;
- сиёсий ҳокимият ва ихтимоий-сиёсий жараёнларда миллатлар, этник гуруҳлар иштироки ҳамда манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш.

Қаердаки мана шу тамойилларга амал қилинмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вуқудга келиб, тинчлик ва барқарорлик ҳавф остида қолиши мумкин.

Истиқлоли қўлида бўлган мамлакатимизда миллатлараро низо юз бермагани, уни четдан туриб содир этмоқчи бўлганларга ҳам имкон берилмагани — миллатимиз ва давлатимизнинг ҳушёрлиги, бағрикенглиги, собитқадамлигининг ёрқин натижасидир.

Раҳмон ҚўЧҚОРОВ,

ТДЮУ доценти в.б., филология фанлари номзоди.

Халқ табобати:
ТАБИАТ ВА ИНСОН УЙҒУНЛАШУВИ

Унинг сирлари авлоддан-авлодга ўтиб, халқнинг неча минг йиллик тажрибалари натижасида сайқалланиб, бизгача етиб келган. Бунга зардуштийлик таълимотиининг муқаддас китоби “Авесто” ҳам тасдиқлайди. Унинг барча қисмида, хусусан, “Вендидад”-да табиилар тайёрлаш, табобат амалиёти, касалликлар таснифи, уларнинг пайдо бўлиш сабаби ва омиллари, ноёб доривор гиёҳлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, табии маданияти, ахлоқи, унинг қасбига фидойилиги каби масалалар баёнига алоҳида саҳифалар ажратилганки, бу заминимиз халқ табобатида нихоятда бой тажрибага эга эканлигидан далолат беради.

Буюк бобоқонлиқимиз Абу Али ибн Сино нафақат қадим аъёнларини давом эттирди, балки даволашнинг янги усулларини яратиб, тиббиёт илмига асос солди. Айниқса, дунё халқларининг севимили асарига, тиббиёт соҳаси ҳодимлари фаолиятида дастуриламалга айланган “Тиб қонунлари” аталмиш нодир китобда ёзиб қолдирилган маълумотлар ўз аҳамиятини заррача йўқотмаган, аксинча, қадр-қиммати янада ошган. Улардан янада кенгрок фойдаланиш ҳаётий заруратдир. Бинобарин, халқ табобати, унинг ўзига хос аъёнлари аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббий-санитар ёрдам қўрсатиш, хусусан, сунуқали касалликлар профилактикаси, уларни даволашда сифат, хавфсизлик ва самарадорлик борасида амалда қўл синовлардан ўтган. Юртимизда халқ табобати ривожига юксак даражада эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси, “Табобат” академияси ташкил этилиб, жабҳада олиб борилаётган изчил савий-ҳаракатлар сармари ўларок, у тараққиётга юз тутга бошлади.

Бироқ қайси соҳа бўлмасин, вақт ўтиши билан мустаҳкам илмий асос ва замонавий илмга эҳтиёж сезилганидек, халқ табобатини ҳам соғлиқни сақлаш тизимига изчил интеграциялаш, ўзаро уйғунлаштириш, малакали мутахассислар тайёрлашни ҳаётининг ўзи тақозо қилаётган эди. Шу маънода, юқорида номи келтирилган қарорда шу каби масалаларни тизимли ҳал этишнинг аниқ механизми белгиланганлиги диққатга сазовор.

Хужжатга кўра, Республика халқ табобати илмий-таълимий маркази ва унинг ҳудудий таълимлари ташкил этилмоқда. Ўзбек халқ табобатининг тарихий аъёнлари ва ўзига хос меросидан фойдаланган ҳолда, касалликларни профилактика қилиш, таш-

хис қўйиш ва даволаш, шунингдек, бошқа тиббий хизматлар қўрсатишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва урганиш унинг асосий вазифаси этиб белгиланмоқда. Бунинг учун фитотерапия, акупунктура, аюрведа, геомеопатия, йога, муксотерапия, нату-ропатия, остеопатия, термал тиббиёт, хиро-амалиёт, цигун каби халқ табобатининг асосий йўналишларини ривожлантириш, уларни амалиётда кенг қўллаш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш бўйича ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш ишларида бош-қош бўлади. Бундан ташқари, доривор ўсимликлар тайё-риш, улар асосида хом ашё тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш, ноёб ши-фобахш гиёҳларни маҳаллийлаштириш бўйича ташаббускор бўлади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Рес-



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, Чин юртида 1949 йилдан 2009 йилгача бўлган давр мобайнида аҳолининг умр кўриш даражаси 2 баробардан кўпга ўзайиб, ўртача яшаш давомийлиги 35 ёшдан 73 ёшга етган. Табиий савол туғилади: бунинг сирини нимада?

публика халқ табобати илмий-амалий маркази соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш билан ҳам шуғулланади. Унинг ҳудудий марказларида халқ табобати бўйича мутахассисларни тайёрлаш курсларини муваффақиятли таъминлаган тиббий маълумотга эга бўлмаганларга тегишли йўналишларда фаолият олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади. Ҳудудий марказларда илгор илмий изланишлар ва тадқиқот ишларини олиб бориш учун барча қулайлик, зарур моддий-техника базаси эга замонавий лабораториялар ташкил этилади.

Буларнинг барчаси касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашда ғоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган халқ табобатини ривожлантиришда катта имкониятлар эшигини очди, албатта. Аммо соҳани сиёфат жиҳатидан янги бошқича олиб чиқишда хорижнинг илгор тажрибасини ўрганиш ҳар томонлама фойдалидир. Шунинг учун бу жабҳада етакчилик қилаётган Хитой, Япония, Хиндистон, Вьетнам, Франция, Россия давлатлари билан ҳамкорлик, жумладан, жойига бориб кенг ўрганиш учун

барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Бу борада дардларни даволашда мўъжизаларга қодир бўлган Хитой табобатига кўпроқ мурожаат қилиниши кўзда тутилаётгани қувонарлидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, Чин юртида 1949 йилдан 2009 йилгача бўлган давр мобайнида аҳолининг умр кўриш даражаси 2 баробардан кўпга ўзайиб, ўртача яшаш давомийлиги 35 ёшдан 73 ёшга етган. Табиий савол туғилади: бунинг сирини нимада? Инсонпарвар ихтимоий-иктисодий ислохотлар қаторида, халқ табобатининг омаллаштирилиши самараси ҳамдир.

Гап шундаки, ўтган асрнинг 50-йил-

ландияидаги муваффақ бўлишди. Дентиз бўлида замонавий бандаргоҳлар, кўп қаватли бинолар, шиқоналар, курорт ва санаторийлар барпо этилган бу манзил йил давомида сайт ёҳлар билан гажмук. Инсон саломатлигини тиклаш ва даволашнинг қадимий усули ана шундай имкониятларни тортиқ қилди. Айни пайтда бу ерда соғломлаштириш дастурларига қўшимча равишда инсон организмни ешартириш устида олиб борилган илмий-амалий ишлар натижаларига асосланган янги йўналишлар қиритилгани қизиқини янада ошираётгани бор гап.

Ўзбекистонда халқ табобатини ана шундай юқори даражага олиб чиқиш учун имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли. Жонажон Ватанимиз бетакдор табиати, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга, Аллоҳнинг назари тушган ноёб манзил ҳисобланади. Энг муҳими, тиб илмининг устуни бўлиши Абу Али ибн Сино бобимиз қолдирган беназир меросга эгамиз. Уларни амалиётда кенг қўллаш кўзда тутилган 2021 — 2025 йилларда Ўзбекистонда халқ табобатини ривожлантириш концепцияси ҳамда унинг мақсадли қўрсаткичларини амалга оширишга доир “Йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда. Мазкур концепция тасдиқланиб, амалга жорий этилиши соҳадаги қўллаб муаммоларни ҳал қилади. Масалан, халқ табобатининг ўзаги бўлган асосий йўналишларини ривожлантириш ва замонавий тиббиётда уларни қўллаш бўйича ўқув-методик қўлланмалар, адабиётлар жуда-жуда кам. Қадимда кенг фойдаланилган ва юқори самарали даволаш усуллари бўйича адабиётлар яратилиши, тарғибот ишларининг қунайтирилиши, ўз навбатида, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини жорий этишда кўл келади. Энг катта бойлигимиз бўлган соғлиғимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Илм-фан тараққий этган ҳозирги давримизда тиббиёт ривож ҳам тезлашиб кетди. Аммо қимёвий препа-

ругун юртимизда халқ табобатини замонавий соғлиқни сақлаш тизимига изчил интеграциялаш борасида олиб борилаётган бундай кенг қўламли ислохотлар қадим даволаш сирларидан воқиф бўлиш, бизга маълум бўлмаган доривор ўсимликларни аниқлаш, улардан аҳоли саломатлиги йўлида самарали фойдаланишдек эзгу мақсадга қаратилгани билан нихоятда аҳамиятлидир. Бинобарин, инсон ва табиат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзаро вобасталикни таъминлаган ҳолда, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш халқ табобатини тараққий эттиришдан қўзланган пировард мақсаддир.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори, профессор, сенатор,
Бақриддин ЗАРИПОВ,
университет профессори, академик.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган
Ғалабанинг 75 йиллиги олдида

Дунёда энг кўп кўприк қурган одам ким? Энг кўп кўприк бузган-чи? Агар “Гиннеснинг рекордлар китоби”да шундай номинация бўлса, унга, биринчи навбатда, наманганлик жасур жангчи Азимбой Раҳимов номи зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган бўларди.

СОҲИЛДА САЙРАГАН
«КАККУ»

...Қисқа муддатли курс-ни тамомлаган Азимбой Раҳимов 145-максус инженерлик сапёр батальони са-фида Сталинград остоналарида жангга кирди. Назаровка қишлоғини фашистлар ер билан яқсон қилиб ташлаган, шу қишлоқни қоқ иккига бўлиб ўтадиган дарё кўприги ҳам буткул вайрон бўлганди. Дарё ортида, атиги беш-олти қақирим жой-да немислар жойлашган бўлиб, қисқа фурсатда душманга сездирмасдан кўприк-ни тиклаб, танк ва тўпларга йўл очиб бериш керак эди. Азимбой Раҳимов коман-дирлигидаги сапёрлар взво-ди бу ишни мардона уdda-лади. Бир кечанинг ўзида ҳеч қандай шарпасиз, чи-роксиз кўприк қайтадан тик-ланди. Эрта саҳарда ёпири-либ келаётган танклар ово-зидан уйғонган фашистлар Назаровкани ташлаб қочиш-га мажбур бўлди.

Украинада эди. Дон дарёсининг хар икки қирго-ғини эгаллаб олган немис-лар темир йўл орқали ўз қуроли кучларини олиб ўтар, тўп ва миномётлардан тинмай ўқ отиб, кўз очирга-ни қўймасди. Уларга яқин-лашиб, бас келишининг эса илоҳи йўл, ҳақи ёрдам қуч-лари етиб келмаган, кўри-лаётган талафотларнинг эса чек-чегараси кўриная демасди.

Ана шундай мушкул вазиятда рота командири Василий Чуйков кичик сержант Раҳимовни йўқлади. — Кўприкни портлатмасак бўлмайди, — деди у. — Бу ишни сенинг взводингга топшираман. Вазият ўта мураккаб. Шундай қилмасак бутун қисм қуршовда қоламиз.

Азимбой Раҳимов ярим тунда икки аскарни ёнига олиб кўприк томон эммак-лаб кетди. Дон дарёси қирғо-ғидаги баракларга ўрнашиб олган немис аскар ва офи-церлари уйқуда, фақат икки аскар кўприк устида у ёқ-бу ёққа бориб-келиб турарди. Улар ўз тиларидида нарги-ти ташкилоти томонидан Халқ табобати соҳасидаги 2014 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегия амалга оши-рилаётгани ана шу ҳаётий эҳтиёж ме-васи, десак, муболага бўлмайди.

Қарорнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, унда олий таълим муассасалари олдида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган юқори салоҳиятли, рақобатдош ва малака-ли кадрлар тайёрлаш вазифаси қўйилмоқда. Шундан келиб чиқиб, кўп асрлик тарихга эга Самарқанд дав-лат университетида талабалар, изла-нувчилар, аспирантларга ушбу йўна-лишда илмий тадқиқотлар олиб бо-риш, амалий тажрибалар ўтказиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратиб берилляпти. Хусусан, САМДУ биология факультети қошида Хиндис-тоннинг Дехли университети билан ҳамкорликда “Абу Али Ибн Сино ме-роси” илмий лабораторияси ташкил қилинган наботот намуналарининг дориворлик хусусиятларини ўрганиш баробарида, мутахассис ва олимлар билан ҳамкорликда уларни амалиёт-га жорий қилиш бўйича инновацион ишланмалар яратишда кўл келяпти.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги таълим, илмий жараёнларга инновацион руҳ бериш мақсадида универ-ситетимиз билан Америка Қўшма Штатларининг “Vet Vitis” компанияси ўртасида шартнома имзоланган. Унга биноан бошқа соҳалар қаторида, до-ривор ўсимликларнинг жониворлар организмига таъсирини биргаликда ўрганиш, илмий ишлар олиб бориш кўзда тутилган.

ЭЪЛОН

ИПАК ЙЎЛИ БАНКИ

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки

мулкни ва автотранспорт воситаларини ҳамда банк мансабдор шахслари жавобгарлигини суғурталаш бўйича суғурта шартномаларини тузиш мақсадида, суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилишини маълум қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишини эълон қилиш:

Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй, Индекс: 100017.

Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг охири мuddати **2020 йил 1 июнь соат 12.00 гача.**

Мурожаат учун телефонлар: **78-140-69-39, 78-140-69-00 (ички 1259).**

E-mail: **u.primkulov@ipakyulibank.uz**

Масъул ходим: **Улуғбек Примкулов.**

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 497 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлаб-қўлаб тақрир қилинмайди ва малакка қайтарибмайди.

Газетанинг тасдиқ берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.00 Топпирилди — 23.50 1 2 3 4 5 6